

**ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА МАҲАЛЛАНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Н.Ф.Имомов

ТДЮУ Фуқаролик ҳуқуқи шўъбаси мудири

Ю.ф.д., проф

Аннотация

Мазкур мақолада фуқаролик ҳуқуқи субъекти сифатида маҳалланинг ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш масалалари таҳлил қилинади. Маҳалланинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти сифатидаги ижтимоий вазибалари, унинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этиш имкониятлари ҳамда ҳуқуқий субъектлик белгиларини аниқлаш зарурати асослаб берилди. Шунингдек, маҳалланинг ҳуқуқ лаёқати, муомала лаёқати, мулкӣ мустақиллиги, шартномавий муносабатлардаги иштироки ва фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги билан боғлиқ назарий ҳамда амалӣ муаммолар ёритилди. Мақолада маҳалланинг оммавий-ҳуқуқий ва хусусий-ҳуқуқий хусусиятларини уйғунлаштириш, унинг фуқаролик муомаласида мустақил ва масъулиятли субъект сифатида иштирокини таъминлаш бўйича таклифлар илгари сурилади.

Калит сўзлар: маҳалла, фуқаролик ҳуқуқи субъекти, ҳуқуқий мақом, ҳуқуқий субъектлик, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши, мулкӣ мустақиллик, шартномавий муносабатлар, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик.

Аннотация

В данной статье анализируются вопросы совершенствования правового статуса махалли как субъекта гражданского права. Обосновывается необходимость определения социальных функций махалли как института самоуправления граждан, ее возможностей участия в гражданско-правовых отношениях, а также признаков гражданской правосубъектности. Особое внимание уделяется теоретическим и практическим проблемам, связанным с правоспособностью, дееспособностью, имущественной самостоятельностью, участием махалли в договорных отношениях и ее гражданско-правовой ответственностью. В статье выдвигаются предложения по гармонизации публично-правовой и частноправовой природы махалли, а также по обеспечению ее участия в гражданском обороте в качестве самостоятельного и ответственного субъекта.

Ключевые слова: махалля, субъект гражданского права, правовой статус, правосубъектность, самоуправление граждан, имущественная самостоятельность, договорные отношения, гражданско-правовая ответственность.

Abstract

This article analyzes the issues of improving the legal status of the mahalla as a subject of civil law. It substantiates the need to define the social functions of the mahalla as an institution of citizens' self-government, its capacity to participate in civil law relations, and the key features of its civil legal personality. Special attention is paid to theoretical and practical issues related to the legal capacity,

active capacity, property independence, participation in contractual relations, and civil liability of the mahalla. The article proposes approaches to harmonizing the public-law and private-law nature of the mahalla and ensuring its participation in civil circulation as an independent and responsible legal actor.

Keywords: mahalla, subject of civil law, legal status, legal personality, citizens' self-government, property independence, contractual relations, civil liability.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабат субъектлари одатда фуқаролар, юридик шахслар ва давлат ҳисобланади ва бунинг асоси қонунчилик даражасида мустаҳкамланган (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (кейинги ўринларда – ФК)нинг 2-моддаси иккинчи қисми). Ушбу субъектларнинг ҳуқуқий мақоми эса уларнинг ҳолати (масалар, фуқароларнинг ёшидан ҳамда руҳий ҳолати ва соғлиғидан келиб чиқиб), таснифланиши (юридик шахсларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари, турлари) ҳамда ҳуқуқий тартибот (масалан, оммавий ҳуқуқ юридик шахслари ва хусусий ҳуқуқ юридик шахслар)дан келиб чиқиб белгиланади. Шу сабабли ҳам муайян турдаги шахс ёки юридик шахслар мисолида ташкилот ёки тузилманинг ҳуқуқий мақоми қонунчилик даражасида унинг тузилиши, ваколатлари доираси ҳамда фаолиятнинг чегаралари билан аниқланади. Бозор муносабатларининг ривожланиши билан тадбиркорлик тузилмаларининг турлари ва уларнинг шакллари ҳам кенгайиб бормоқда. Шу боис ФКда назарда тутилган, юридик шахснинг муайян белгиларига эга бўлган турли ташкилотлар ва кишиларнинг биргаликдаги фаолиятига ёки яқка шахснинг иштирокига асосланган, тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтказилаётган тузилмалар юзага келмоқда¹. Мазкур жиҳатлар асосида айтиш мумкинки, маҳалла ана шундай тузилмалардан бири саналади.

Маҳалла, ўзини ўзи бошқариш органи фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида ФКнинг 78-моддасида белгиланган. Ушбу модданинг биринчи қисмига кўра “фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари юридик шахс сифатида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг қатнашчиларидир”. Юридик адабиётларда маҳалланинг фуқаролик ҳуқуқий мақоми борасида бир қатор фикрлар келтириб ўтилган. Хусусан, айрим олимларнинг фикрига кўра “фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг юридик шахс сифатида фуқаролик-ҳуқуқий тавсифи ва қонуний мустаҳкамланиши ҳозирги пайтда бирмунча “турли йўналишли”, шу туфайли айрим зиддиятли хулосаларни чиқариш мумкин. Масалан, бир томондан, назарий жиҳатдан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини квази-юридик шахслар сифатида таърифлаш мумкин, чунки қонун чиқарувчи уларни юридик шахс сифатида ташкил қилишнинг алоҳида тартибини белгиламайди. Шунингдек, ҳеч қаерда матлубот кооперативлари, жамоат бирлашмалари ва ш.к. билан бўлган ҳолатда каби улар фақат давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг юридик шахсга айланиши тўғрисидаги норма мустаҳкамланмаган”².

Ҳ.Р.Раҳмонқуловнинг фикрича, “қонунда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг юридик шахс мақомига эга ёки эмаслиги аниқ белгиланмаган. Чунки, юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланиш деган тушунча органнинг ҳақиқатдан ҳам юридик шахс эканлигидан тўлиқ дарак бермайди. Масалан, юридик шахс бўлмай туриб, ишончномага асосан

¹ Имомов Н.Ф. Юридик шахс моҳиятининг фуқаролик-ҳуқуқий талқини (назарий масалалар). – Тошкент: ТДЮУ, 2017. – 110 б.

² Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. 1-жилд (биринчи қисм) Адлия вазирлиги. – Тошкент: «Vektor-Press», 2010.– Б. 245-246.– (Профессинал (малакали) шарҳлар).

унинг номидан ва у топширган ваколат доирасида юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланиш мумкин (ФКнинг 47, 134, 138-моддалари)³.

Х.Қиличевнинг ёзишича “муниципаль органларнинг роли ҳокимиятни “таъминловчи орган” сифатида қуйидаги устувор вазифаларни ҳал этмоқда. Хусусан, аҳолининг долзарб эҳтиёжларини аниқлаш; ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш; кўрсатиладиган хизматларнинг стандартларини белгилаш ва ушбу стандартларни таъминлашнинг қулай йўллари излаш; маҳаллий аҳамиятга молик вазифаларни ҳал этишда марказий ва ҳудудий ҳокимият органлари билан ҳамкорликни амалга ошириш; ҳудудда фаолият кўрсатувчи турли маҳаллий ташкилотлар фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш, улар билан ҳамкорликни (одатда контракт асосида) амалга ошириш; маҳаллий бирлашмалар (фуқаролар уюшмалари)нинг манфаатлари йўлида муайян лоббистик фаолиятни амалга ошириш кабилар шулар жумласидандир”⁴.

Фикримизча, маҳалланнинг ҳуқуқий мақоми масаласи унинг оммавий-ҳуқуқий ва хусусий-ҳуқуқий жиҳатлари билан уйғунликда кўриб чиқилиши лозим. Бир томондан маҳалла ўзини ўзи бошқариш органи сифатида қонунчиликда белгиланган доирада мақомга эга бўлса, иккинчи томондан у юридик шахснинг муайян ҳуқуқий белгиларига эга саналади. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги ЎРҚ-350-сон Қонунининг 8-моддаси биринчи қисмига кўра, “шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар, шунингдек шаҳарлардаги, шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ҳамда овуллардаги маҳаллалар фуқаролар йиғинлари (бундан буён матнда фуқаролар йиғини деб юритилади) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидир”. Ушбу қонуннинг учинчи қисмига мувофиқ “фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланади, ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ҳисобга олиниши лозим”.

Фуқаролик ҳуқуқий субъектчилигининг асосий таркибий элементлари сифатида ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқати эътироф этилади. Шу билан бирга, юридик шахслар ва оммавий-ҳуқуқий тузилмалар каби фуқаролик ҳуқуқи субъектларига нисбатан ушбу икки элемент фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда ўзаро яхлит ҳолда намоён бўлади ҳамда вақт жиҳатидан бир-бири билан боғлиқ ҳисобланади. Таъкидланишича, умумий ҳуқуқий субъектчилик шахсга ҳар қандай фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этиш имконини беради. Махсус ҳуқуқий субъектчилик эса шахс фақат ўз фаолияти мақсадларига мувофиқ келадиган субъектив ҳуқуқлар ва юридик мажбуриятларга эга бўлиши мумкинлигига асосланади. Бундай субъект айнан шу мақсадларга эришиш учун ташкил этилган бўлади. Шу сабабли махсус ҳуқуқий субъектчиликка эга шахслар иштирок этиши мумкин бўлган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар доираси олдиндан чекланган ҳисобланади. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига юклатилган ижтимоий-иқтисодий функцияларни амалга ошириш, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишни таъминлаш зарурати муниципал тузилмани фуқаролик ҳуқуқи субъекти сифатида тан олишнинг муҳим макроижтимоий шарти ҳисобланади. Айнан шу объектив зарурат туфайли ҳуқуқий тартибот муниципал тузилманинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда мустақил иштирок этишини мумкин ва мақсадга мувофиқ деб эътироф этади.

³ Раҳмонкулов Ҳ.Р. Фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари. – Тошкент: 2008. – 157 б.

⁴ Қиличев Х. Хорижий давлатларда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фуқаролик-ҳуқуқий мақомининг ўзига хос хусусиятлари (киёсий-ҳуқуқий таҳлил) // <https://inlibrary.uz/index.php/socinov/article/view/37885>

Бундай иштирок муниципал манфаатни амалга оширишга қаратилган бўлади. Муниципал манфаат мазмунини эса маҳаллий жамоанинг биргаликда ҳаёт кечириши учун зарур ва муносиб шарт-шароитларни таъминлашга қаратилган анланган, ҳаётий муҳим эҳтиёжлари ташкил этади. Муниципал тузилманинг фуқаролик ҳуқуқий субъектчилиги мазмуни ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқатининг яхлитлиги билан тавсифланади. Ушбу лаёқатлар юридик жиҳатдан уларнинг вужудга келиш ва тугаш вақти бўйича ўзаро боғланган бўлади. Мазкур оммавий тузилманинг иродасини шакллантирувчи субъектлар, аввало, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларидир. Шу билан бирга, ушбу органлар муниципал тузилма иродасини ташқи муносабатларда, яъни фуқаролик муомаласининг бошқа иштирокчилари билан бўладиган муносабатларда бевосита ифода этувчи субъектлар сифатида ҳам майдонга чиқади. Айрим ҳолларда муниципал тузилманинг иродасини шакллантирувчи субъект сифатида унинг аҳолиси ҳам иштирок этиши мумкин⁵.

1. Хулоса қилиб айтганда, маҳалланинг фуқаролик ҳуқуқи субъекти сифатидаги ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш бугунги кунда нафақат назарий, балки амалий аҳамиятга ҳам эга бўлган долзарб масалалардан биридир. Маҳалла жамиятда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти сифатида муҳим ижтимоий вазифаларни бажарса-да, унинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардаги иштироки ва ҳуқуқий субъектчилиги масалалари ҳанузгача тўлиқ ва аниқ тартибга солинмаган. Амалда маҳалла турли мулк, ташкилий, ижтимоий ва шартномавий муносабатларда иштирок этади, бироқ унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари доираси, мулк жавобгарлиги ҳамда фуқаролик муомаласидаги мустақиллиги бўйича ягона ҳуқуқий ёндашувни шакллантириш зарур. Маҳалланинг ҳуқуқий мақомини такомиллаштиришда унинг оммавий-ҳуқуқий ва хусусий-ҳуқуқий табиатини ўзаро уйғун ҳолда белгилаш муҳим ҳисобланади. Чунки маҳалла бир томондан аҳоли манфаатларини ифода этувчи ижтимоий институт бўлса, иккинчи томондан айрим ҳолларда фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузувчи, мулк ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлувчи субъект сифатида намоён бўлади. Шу боис маҳалланинг фуқаролик ҳуқуқий субъектчилиги унинг ҳуқуқ лаёқати, муомала лаёқати, мулк мустақиллиги ва жавобгарлик асослари билан биргаликда комплекс тарзда таҳлил қилиниши лозим. Қонунчиликда маҳалланинг фуқаролик ҳуқуқи субъекти сифатида иштирок этиш шакллари, унинг номидан кимлар ҳаракат қилиши, шартномавий муносабатлардаги ваколатлари ва мажбуриятлари аниқ белгиланиши мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, маҳалла органларининг фуқаролик муомаласидаги ваколатларини белгилашда аҳоли манфаатлари, маҳаллий жамоанинг эҳтиёжлари ва ижтимоий адолат принциплари асосий мезон сифатида эътиборга олиниши керак. Маҳалланинг мулк муносабатларда иштирокини ҳуқуқий жиҳатдан мустақамлаш унинг ижтимоий-иқтисодий вазифаларини самарали бажаришига хизмат қилади. Айниқса, маҳалла ихтиёридаги мол-мулк, молиявий ресурслар ва шартномавий мажбуриятлар бўйича аниқ ҳуқуқий режимнинг мавжудлиги ҳуқуқий аниқлик ва барқарорликни таъминлайди. Шу билан бирга, маҳалланинг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги масаласи ҳам алоҳида тартибга солиниши зарур, чунки бу унинг бошқа субъектлар билан

⁵ Канаев Ю.Н. Гражданская правосубъектность муниципальных образований: содержание и реализация : автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук : специальность 12.00.03 / Канаев Юрий Николаевич ; [Место защиты: Рос. гос. ун-т правосудия]. - Москва, 2018. - 14-15 с.

муносабатларида ишончлилиқ ва ҳуқуқий кафолатларни кучайтиради. Хорижий тажриба шуни кўрсатадики, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш институтларининг фуқаролик ҳуқуқий мақоми аниқ белгиланган давлатларда уларнинг ижтимоий ва иқтисодий фаоллиги юқори бўлади. Ўзбекистон шароитида маҳалланинг фуқаролик ҳуқуқи субъекти сифатидаги мақоми такомиллаштириш миллий ҳуқуқий анъаналар, фуқаролик жамиятини ривожлантириш эҳтиёжлари ва бозор муносабатлари талаблари билан уйғун ҳолда амалга оширилиши лозим. Умуман олганда, маҳалланинг фуқаролик-ҳуқуқий мақоми аниқлаш ва такомиллаштириш унинг ҳуқуқий мустақиллигини мустаҳкамлаш, аҳоли манфаатларини самарали ҳимоя қилиш ҳамда фуқаролик муомаласида барқарор ва масъулиятли субъект сифатида иштирок этишини таъминлашга хизмат қилади.